

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«17 » январь 2020 у.

№ 31

Toshkent sh.

**Ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва мониторингини юритишни  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Ўрмон тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, ўрмонларни муҳофаза килиш, кўпайтириш, қайта тиклаш ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, ўрмонлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, ўрмонларга салбий таъсирларнинг, улар ҳолатидаги ўзгаришларнинг ўз вақтида олдини олиш, уларни аниқлаш, баҳолаш ва прогноз қилиш юзасидан ўрмонлар мониторинги ҳамда ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуйидагилар:

Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўрмонлар мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021 йил 31 декабрга қадар:

республика худудида мавжуд бўлган ўрмонзор ер майдонларини;

Фанлар академияси билан биргаликда республика худудида мавжуд бўлган табиий ҳолда ўсуви ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тур таркиби ва унинг захираларини тўлиқ хатловдан ўтказилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, республика худудидаги ўрмон фонди ер майдонларини ҳамда ушбу худудларда мавжуд бўлган табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари, таркиби ва уларнинг захираларини хатловдан ўтказишни молиялаштириш манфаатдор вазирлик ва идораларга йиллик ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “17” январ даги 31-сон қарорига  
1-илова

## Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида **НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш давлат ўрмон фонди ерлари доимий фойдаланишга бериб кўйилган ўрмон хўжалиги ташкилотлари томонидан уларга йиллик ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида ҳамда уларнинг ўз маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) томонидан ўрмон фонди тизимида бўлаётган ўзгаришларни назорат қилиш ҳамда ўрмонларнинг миқдор ва сифат ҳолатига даврий аниқлик киритиб бориш мақсадида амалга оширилади.

4. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ўрмонларнинг давлат ҳисоби** – ўрмонларнинг ҳолати ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

**ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш хужжатлари** – ўрмон тузиш лойиҳалари, давлат ўрмон фондини хатловдан ўтказиш ва текшириш материаллари асосида давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан тўлдирилиб, тегишли туман (шаҳар) хокимининг карори билан тасдиқланадиган хужжатлар;

**ўрмонларнинг қўрикланиш тоифалари** – белгилантган мақсади ва бажарадиган вазифаларига мувофиқ алоҳида ҳимоя, сувни муҳофаза қилиш, санитария-гигиена, рекреацион, илмий, тарихий ёки бошқа маҳсус мақсадлар бўйича ажратилган ўрмонлар.

5. Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида юритилади.

### **2-боб. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш**

6. Ўрмонлар ҳолатида бўлаётган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ўрмонларни кузатиш ва бошқа ўрганиш материаллари асосида ўрмон хўжалигини юритувчи субъектлар томонидан ҳар йили ўрмон кадастри ва ҳисобга олиш хужжатларига киритиб борилади.

7. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатларида давлат ўрмон фондининг ҳудудий, географик жойлашуви, майдони, қўриқланиш тоифалари, ўрмонзорларнинг тур таркиби, дараҳт ва буталарнинг турлари, улар захирасининг микдори ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар акс эттирилади.

8. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатлари янгиланган маълумотлар асосида, қоида тариқасида, ҳар ўн йилда бир маротаба янгилаб борилади.

### **3-боб. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритишни ташкил этиш**

9. Ўрмонзорлар мавжуд бўлган бошқа вазирлик ва идоралар тизимидағи ташкилотларга ўрмонларнинг давлат ҳисоби юритилишида Кўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилади.

10. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатлари мазкур Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тайёрланади.

11. Давлат ўрмон фондининг ер турлари ва ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари билан келишилади.

12. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатлари вилоят, туман (шаҳар)лар бўйича Кўмитанинг ҳудудий органлари томонидан умумлаштирилади.

13. Давлат ўрмон фондидан ёзларига доимий фойдаланишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги ташкилотлари ҳамда ўрмонзорлар мавжуд бўлган субъектлар ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатларини ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 1 февралига қадар Кўмитанинг ҳудудий органларига тақдим этишлари шарт.

14. Кўмитанинг ҳудудий органлари туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари билан биргаликда давлат ўрмон фондининг ер турлари ва ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари бўйича тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисида тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди ва экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияси билан келишилган ҳолда, февраль ойининг 15 санасига қадар тегишли туман (шаҳар) ҳокимига тасдиқлаш учун киритади.

15. Кўмитанинг ҳудудий органлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари билан биргаликда давлат ўрмон фондининг ер турлари ва ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари бўйича тақсимланишини тасдиқлаш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ёки вилоят ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди ва март ойининг 1 санасига қадар белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади.

16. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатларини умумлаштириш ишлари якунлангандан сўнг давлат ўрмон фондининг ер турлари ва ўрмонларнинг кўриқланиш тоифалари бўйича тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисида тегишли туман (шахар) ҳокимининг қарори ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг март ойи 15 санасига қадар қабул қилинади ва ушбу қарор 15 кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ёки тегишли вилоят ҳокимининг қарори билан тасдикланади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимлари ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатларини ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг апрель ойи 15 санасига қадар тегишли қарор нусхаси билан биргаликда Кўмитага тақдим этади.

18. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ҳужжатлари келгусида ўрмонларнинг миқдор ва сифат ҳолатини белгилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тадбирларини ишлаб чиқиши ва давлат ўрмон кадастрини юритишда фойдаланиш учун Кўмитада доимий сақланади.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

19. Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғри тузилишига ўрмонларнинг давлат ҳисобини олиб борувчи субъектларнинг раҳбарлари масъул ҳисобланади.

Ўрмонларнинг давлат ҳисобини  
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

## Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари ҳамда ўрмонзорлар мавжуд бўлган бошқа ташкилотлар	Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш хужжатларини ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг худудий органларига тақдим этади.	Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 1 февраляга қадар
2-босқич	Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат кўмитасининг худудий органлари	Давлат ўрмон фондининг ер тоифалари ва ўрмонларнинг кўрикланиш тоифалари бўйича тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун киритади.	Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 15 февраляга қадар
3-босқич	Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг худудий органлари	Давлат ўрмон фондининг ер тоифалари ва ўрмонларнинг кўрикланиш тоифалари бўйича тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарорини тасдиқлаш бўйича Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ёки вилоят ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун киритади.	Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 1 мартаға қадар

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
4-босқич	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари	Давлат ўрмон фондининг ер тоифалари ва ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари бўйича тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарорини тасдиқлаш бўйича Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ёки вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинади.	Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 15 мартаға қадар
5-босқич	Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Давлат ўрмон фондининг ер тоифалари ва ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари бўйича тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни келгусида ўрмонларнинг миқдор ва сифат ҳолатини белгилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тадбирларини ишлаб чиқилиши ва давлат ўрмон кадастрини юритилишида фойдаланиш учун Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига тақдим этади.	Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 15 апрелига қадар

Ўрмонларнинг давлат хисобини  
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

— вилояти, — туманидаги — ўрмон хўжалиги ташкилотида давлат ўрмон фондининг ер тоифалари ва ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари бўйича таҳсимланиши

20 йил 1 январь ҳолатига



Күрикланиш тоифалари	Үмүмий майдон	Үрмонли ерлар		Үрмонсиз ерлар																		
		Жами	Үрмон билан қопланган	Шундан маданий ўрмонзорлар	Туташмаган ўрмонзорлар	Үрмон күчтөхоналари	Сиyrак ўрмонлар	Табиий оғат хамда ўрмон ёңгиллери туғайлы нобуд бўлган майдон	Соғломлаштириш учун ва режа асосида кесилган майдон	Такир ер (яланглик)лар	Жами ўрмонли ерлар	Экин ерлар	Пичанзорлар	Яйловлар	Сув остидаги ерлар	Боғ, узумизор ва тутзорлар	Йўллар	Томорка ерлари	Кумликлар	Бошқа ерлар	Жами ўрмонсиз ерлар	
Алоҳида кимматга эга бўлган ўрмон мавзелар																						
Ёнгокзор ўрмонлар																						
Ўрмоннинг мевали дарахтзорлари																						
Давлат кўрикхона ўрмонлари																						
Комплекс (ландшафт) буюртма, табиий боғлар ва давлат биосфера резерватларидағи ўрмонлар																						
Илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар																						
<b>Жами</b>																						

Ташкилот раҳбари

имзо (мухр)

(Ф.И.О.)

Масъул ходим (бош ўрмончи)

имзо

(Ф.И.О.)

Келишилди: Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи

имзо (мухр)

## Ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга З-илова

вилояти, \_\_\_\_\_ туманидаги \_\_\_\_\_  
(ўрмон хўжалиги номи)  
ўрмонларни ташкил этувчи асосий дараҳт ва буталарнинг турлар ҳамда ёш тоифалари бўйича тақсимланиши

20 йил 1 январь ҳолатига





Дараҳт турлари	Жами	Үрмөнларни ташкил этувчи дараҳт ва бута турлари ва ёш тоифалари (га)				Дараҳтларнинг ёш тоифалари бўйича умумий захираси (куб метр)				Умумий ўртача ўсиши хажми (куб метр)	Ўртача ёши (йил)			
		1-тоифа	2-тоифа	Ўрта ёшли	Улгайиш арафасида	Етилган (пишган)	Етилиб ўтган	Жами	1-тоифа	2-тоифа	Ўрта ёшли	Улгайиш арафасида	Етилган (пишган)	Етилиб ўтган
Бутасимон тол														
Қандим														
Можжевельник														
Чаканда (облепиха)														
Шафтоли														
Торилис (пузиреплодник)														
Настарин (сирен)														
Тотум (сумах)														
Наматак														
Черкез														
Қорамарт (экзохорда)														
Саксовул														
Кесилган дараҳт ва буталар ўрни														
Ёнган дараҳт ва буталар ўрни														

Ташкилот раҳбари **имзо** (муҳр) (Ф.И.О.)

Масъул шахс (бош ўрмөнчи) **имзо** (Ф.И.О.)

**Изоҳ:** Үрмөнларни ташкил этувчи дараҳт ва бута турларнинг ёш тоифалари:

Ёш - дараҳтларнинг шохлари ёпилишининг ва ривожланиш тоифалари бўйича табиий табақаланиши жараёнининг бошланиш даври.

Ўрта ёшли - дараҳтларнинг интенсив ўсиши (баландлиги ва диаметри)да маълум бир пасайиш юзага келадиган даври.

Улғайиш арафасида - дараҳтларнинг сифат белгилари аниқ намоён бўлган, узлуксиз ўсиб бораётган, пишиш ёшининг бошланишидан олдинги ёш даври.

Етилган (пишган) - ёғоч маҳсулотини энг кўп кўпайтириш ёшига етган пишиб етилган дараҳтлар, секин ўсиши билан ажаралиб турадиган даври.

Етилиб ўтган - дараҳт пишиб етиш даври бошланишидан икки ёки ундан ортик ёш тоифасида бўлиб, дараҳт ўсиши камайди ва унинг техник хусусиятлари ёмонлашади, ёғоч олиш даражаси аста-секин камайиб борадиган даври.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “17” январ даги 31-сон қарорига  
2-илова

## Ўрмонлар мониторингини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ўрмонлар мониторингини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ўрмонлар мониторинги** – ўрмонларга салбий таъсириларнинг ўз вақтида олди олиниши учун давлат ўрмон фонди ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш, уни баҳолаш ва прогноз қилишга доир мунтазам кузатувлардан иборат ахборот тизими;

**ўрмон мониторинги хужжатлари** – ўрмон хўжаликлари, туманлар, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) худудий органлари томонидан умумлаштириладиган ўрмонлар мониторинги тўғрисидаги маълумотлар базаси;

**ўрмонлар мониторинги обьекти** – Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча ўрмонзорлар;

**ўрмон патологияси мониторинги** – вазиятни тезкор баҳолаш, ўз вақтида башорат қилиш, патологик ўзгаришларни тезкор аниқлаш орқали ўрмонларни муҳофаза қилиш, ўрмонларни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш мақсадида ўрмонларнинг патологик ҳолатини тезкор назорат қилиш, ўрмон зааркунандалари ва касалликлари таъсирида улар барқарорлигининг бузилиши натижасида заарланиши, антропоген таъсиrlар натижасида ўрмон патологиясидаги мавжуд ўзгаришларни сифатли баҳолаш тизими;

**ўрмон ёнғинлари мониторинги** – ўрмонларни ёнғиндан ҳимоя қилиш, ёнғинлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари мониторингини юритиш, ёнғинларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, ўрмон ёнғинлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, ёнғин хавфини башорат қилишга қаратилган ўрмон ёнғинлари кузатуви тизими;

**радиация билан заарланган ва атроф-муҳит техноген ифлосланган зоналардаги ўрмонзорлар мониторинги** – ўрмон фонди ерларига, ўрмон фондидаги ўрмон ресурсларига ва маҳсулотларига атроф-муҳитнинг антропоген ифлосланиши таъсиrlар этиш даражасини ўрганиш тизими.

3. Ўрмонлар мониторингининг мақсади ўрмонлардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган табиий ва техноген ҳолатларнинг ўрмонларга таъсирини тезкор кузутиб бориш, ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни йигиш, таҳлил қилиш, ўрмонларни қўриклаш, муҳофаза қилиш, ўрмон ресурсларидан самрали фойдаланиш ва ўрмончилик тизимини барқарор бошқариш борасида келгусидаги ишларни прогнозлаш ҳамда давлат ўрмон фондидағи ўзгаришлар ҳолатини тезкор кузатиб боришдан иборат.

4. Ўрмонлар мониторинги давлат ўрмон фонди ерлари доимий фойдаланишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги ташкилотлари томонидан уларга йиллик ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида ҳамда уларнинг ўз маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўрмонлар мониторинги Кўмита ва унинг худудий органлари томонидан ташкил этилади ва давлат ўрмон фонди ерлари доимий фойдаланишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги ташкилотларида мавжуд бўлган ўрмонзорларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

6. Ўрмонлар мониторинги мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема асосида юритилади.

## **2-боб. Ўрмонлар мониторингининг асосий турлари**

7. Ўрмонлар мониторинги қўйидаги асосий турларга бўлинади:

ўрмон ресурслари ва ўрмон фонди ерлари мониторинги;

ўрмон патологияси мониторинги;

ўрмон ёнғинлари мониторинги;

радиация билан заарланган ва атроф-муҳит техноген ифлосланган зоналардаги ўрмонзорлар мониторинги.

8. Ўрмон ресурслари ва ўрмон фонди ерлари мониторинги ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш ва ўрмон тузиш маълумотларига асосланади ҳамда ўрмон ресурслари ва ўрмон фонди ерларидаги жорий ўзгаришлар баҳоланишини таъминлайди.

9. Ўрмон патологияси, ўрмон ёнғинлари ҳамда радиация билан заарланган ва атроф муҳит техноген ифлосланган зоналардаги ўрмонзорлар мониторинги ўрмон хўжаликлари томонидан амалга оширилади ҳамда Кўмита томонидан мувофиқлаштирилади.

10. Ўрмонлар мониторинги тўғрисидаги маълумотлар ўрмон хўжаликлари, туманлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича Кўмита худудий органлари томонидан умумлаштирилади ва ҳар чоракда Кўмитага тақдим этилади.

### **3-боб. Ўрмонларнинг мониторингини юритиш**

11. Ўрмонларнинг мониторинги ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ўрмонларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

12. Ўрмонларнинг мониторинги қуидаги асосий талабларга мувофиқ амалга оширилади:

Ўрмонларнинг мониторинги ўрмон тузиш лойихалари асосида, ўрмон тузиш ишлари ўтказилмаган жойларда эса, давлат ўрмон фондини ҳисобга олиш, ўрмонни хатловдан ўтказиш, ўрмон кадастри, ўрмон мониторинги ҳужжатлари ва бошқа ўрмонларни ўрганиш материаллари асосида олиб борилади;

Ўрмонларнинг мониторинги ўрмон фонди тизимидағи бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида мониторинг олиб бориш мақсадида ўрмонларнинг миқдор ва сифат ҳолатига даврий аниқликлар киритиб борилишини таъминлаши лозим;

Ўрмонлар ҳолатида бўлаётган ўзгаришлар тўғрисидағи маълумотлар ўрмонларни кузатиш ва бошқа ўрганиш материаллари асосида ўрмон ҳўжалигини юритувчи субъектлар томонидан ҳар йили ўрмон кадастри ва ҳисобга олиш ҳужжатларига киритиб борилади;

Ўрмонларнинг мониторингини амалга ошириш ҳужжатларида ўрмон фондининг умумий тавсифи, ўрмондан фойдаланиш, ўрмон барпо қилиш ва тиклаш тадбирлари, ўрмонларга салбий таъсирни баҳолаш, ўрмон билан қопланган майдондаги ўзгаришлар, ўрмонларни муҳофаза қилиш тадбирлари ва ўрмон ёнғинларидан саклаш тўғрисидағи аниқ маълумотлар акс эттирилади.

### **4-боб. Ўрмонларнинг мониторингини юритишни ташкил этиш**

13. Республика бўйича ўрмонларнинг мониторинги ҳужжатларини умумлаштириш ва ўрмон мониторинги ҳужжатларининг белгиланган тартибда юритилиши юзасидан идоравий назорат Кўмита томонидан амалга оширилади.

14. Ўрмон фонди ерлари доимий фойдаланишга бириктириб қўйилган бошқа вазирлик ва идоралар тизимидағи ўрмонзорлари мавжуд бўлган ташкилотларга ўрмонлар мониторинги юритилишида Кўмита ва унинг худудий органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилади.

15. Ўрмонларнинг мониторингини юритиш ҳужжатлари мазкур ҳужжатларни тузган ташкилот раҳбари ва масъул ходим томонидан имзоланади.

16. Ўрмон фонди ерлари ўзларига доимий фойдаланишга бириктириб қўйилган ўрмонзорлари мавжуд ташкилотлар ўрмонлар мониторингини юритиш ҳужжатларини ўрмонлар мониторинги ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 1 февралига қадар Кўмитанинг худудий органларига умумлаштириш учун тақдим этишлари шарт.

17. Ўрмонлар мониторингини юритиш хужжатлари вилоят, туман (шаҳар)лар бўйича Кўмитанинг худудий органлари томонидан умумлаштирилади.

18. Кўмитанинг худудий органлари томонидан ўрмонларнинг мониторинги умумлаштирилгандан сўнг ўрмонлар мониторинги ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 1 мартаға қадар республика бўйича умумлаштириш учун Кўмитага тақдим этилади.

19. Ўрмонларнинг мониторингини юритиш хужжатлари келгусида ўрмонларнинг миқдор ва сифат ҳолатини белгилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тадбирларини ишлаб чиқилишида фойдаланиш учун Кўмитада доимий сақланади.

#### **5-боб. Якунловчи қонда**

20. Ўрмонларнинг мониторингини юритиш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғри тузилишига ўрмонларнинг мониторингини юритувчи субъектлар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

Ўрмонлар мониторингини юритиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

## Ўрмонлар мониторингини юритиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-боскич	Ўрмон фонди ерлари ўзларига доимий фойдаланишга биритириб қўйилган ўрмонзорлари мавжуд ташкилотлар	<p>1. Ўрмонлар мониторинги хужжатларини тайёрлайди.</p> <p>2. Ўрмонлар мониторинги хужжатлари ташкилот раҳбари ва масъул ходим томонидан имзоланади ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг худудий органларига тақдим этилади.</p>	Ўрмонлар мониторинги ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 1 февраляга қадар
2-боскич	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг худудий органлари	<p>1. Ўрмонлар мониторингини юритишида ўрмонзорлари мавжуд ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатади.</p> <p>2. Ўрмонлар мониторинги хужжатларини вилоят, туман (шахар) миқёсида умумлаштиради.</p> <p>3. Хужжатларни Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига тақдим этади.</p>	Доимий  Ўрмонлар мониторинги ўтказилган йилдан кейинги йилнинг 1 мартаға қадар
3-боскич	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	<p>1. Ўрмонлар мониторинги хужжатларини республика миқёсида умумлаштиради.</p> <p>2. Келгусида ўрмонларнинг микдор ва сифат ҳолатини белгилаш, ўрмон ресурсларидан окилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тадбирларини ишлаб чиқилишида фойдаланиш учун саклайди.</p> <p>3. Ўрмонлар мониторингини юритишида идоравий назоратни амалга оширади.</p>	Доимий

Ўрмонлар мониторингини юритиши  
тартиби тұғрисидаги низомга  
2-илова

**Ўрмонларнинг холати ва улардан фойдаланиш күрсаткичлари (хұжалиқ, туман, вилоят, худуд номи)**

20 йил 1 январь ҳолатига

Т/р	Күрсаткичлар	Үлчов бирлиги	01.01.20 <u>йил</u>			01.01.20 <u>йил</u>		
			Жами	Ўрмон хұжалиги давлат күмітаси тизимида	Ўрмонаңдан бошқа фойдаланувчилар	Жами	Ўрмон хұжалиги давлат күмітаси тизимида	Ўрмонаңдан бошқа фойдаланувчилар
1.	<b>Ўрмон фондининг умумий тавсифи</b>							
1.1	Умумий майдон	га						
1.1.1.	шу жумладан, ўрмон билан қолланған майдон	га						
1.1.2.	Шундан, маданий ўрмонзорлар							
1.1.3.	ўрмон билан қолланмаган майдон	га						
1.2.	Мухофаза этиладиган худудлар умумий майдони	га						
1.3.	Игнабаргли ўрмонларнинг умумий майдони	га						
1.3.1.	шу жумладан, ёш ўрмонлар	га						
1.3.2.	ўрта ёшли ўрмонлар	га						
1.3.3.	улгайиш араfasидаги ўрмонлар	га						
1.3.4.	етилган (пишган) ўрмонлар	га						
1.3.5.	етилиб ўтган ўрмонлар	га						
1.4.	Қаттық ёғочли ўрмонзорлар	га						
1.4.1.	шу жумладан, ёш ўрмонлар	га						
1.4.2.	ўрта ёшли ўрмонлар	га						
1.4.3.	улгайиш араfasидаги ўрмонлар	га						
1.4.4.	етилган (пишган) ўрмонлар	га						

Т/р	Күрсаткычлар	Үлчов бирлиги	01.01.20 йил			01.01.20 йил		
			Жами	Үрмөн хўжалиги давлат кўмитаси тизимида	Үрмондан бошқа фойдаланувчилар	Жами	Үрмөн хўжалиги давлат кўмитаси тизимида	Үрмондан бошқа фойдаланувчилар
1.4.5.	етилиб ўтган ўрмонлар	га						
1.5.	Юмшоқ баргли ўрмонзорлар	га						
1.5.1.	шу жумладан, ёш ўрмонлар	га						
1.5.2.	ўрта ёшли ўрмонлар	га						
1.5.3.	улғайиш арафасидаги ўрмонлар	га						
1.5.4.	етилган (пишган) ўрмонлар	га						
1.5.5.	етилиб ўтган ўрмонлар	га						
1.6.	Бошқа турдаги дараҳт турлари	га						
1.6.1.	шу жумладан, ёш ўрмонлар	га						
1.6.2.	ўрта ёшли ўрмонлар	га						
1.6.3.	улғайиш арафасидаги ўрмонлар	га						
1.6.4.	етилган (пишган) ўрмонлар	га						
1.6.5.	етилиб ўтган ўрмонлар	га						
1.7.	Бутасимонлар	га						
1.7.1.	шу жумладан, ёш ўрмонлар	га						
1.7.2.	ўрта ёшли ўрмонлар	га						
1.7.3.	улғайиш арафасидаги ўрмонлар	га						
1.7.4.	етилган (пишган) ўрмонлар	га						
1.7.5.	етилиб ўтган ўрмонлар	га						
1.8.	Ўрмон фондидан чиқарилган майдон	га						
1.9.	Ўрмон фондига олинган майдон	га						
1.10.	Бошқа ўрмон хўжалигига берилган майдон	га						
1.11.	Бошқа ўрмон хўжалигидан олинган майдон	га						
1.12.	Чўл худудидаги ўрмонлар майдони	га						
1.13.	Тоғ худудидаги ўрмонлар майдони	га						
1.14.	Водий худудидаги ўрмонлар майдони	га						

Т/р	Күрсаткычлар	Үлчов бирлиги	01.01.20 йил			01.01.20 йил		
			Жами	Үрмөн хұжалиги давлат құмитаси тизимида	Үрмөндән бошқа фойдаланувчилар	Жами	Үрмөн хұжалиги давлат құмитаси тизимида	Үрмөндән бошқа фойдаланувчилар
1.15.	Түқай худудидаги үрмөнлар майдони	га						
2.	<b>Үрмөндән фойдаланиш</b>							
2.1.	Үрмөнларни қайта тиклаш мақсадыда кесиш режаси	га						
2.1.1.	амалда	га						
2.1.2.	Үрмөнларни қайта тиклаш мақсадыда кесиш режаси	куб метр						
2.1.3.	амалда	куб метр						
2.1.4.	Үрмөнларни соғломлаштириш мақсадыда кесиш режаси	га						
2.1.5.	амалда	га						
2.1.6.	Үрмөнларни соғломлаштириш мақсадыда кесиш режаси	куб метр						
2.1.7.	амалда	куб метр						
2.1.8.	Үрмөнларни парваришлаш мақсадыда кесиш режаси	га						
2.1.9.	амалда	га						
2.1.10.	Үрмөнларни парвариилаш мақсадыда кесиш режаси	куб метр						
2.1.11.	амалда	куб метр						
2.1.12.	Тұнкалардан тозаланмаган майдон	га						
3.	<b>Үрмөн барпо қилиш ва тиклаш тадбирлари</b>							
3.1.	Үрмөн барпо қилиш ва тиклаш топшириғи	га						
3.2.	амалда	га						
3.3.	шундан, табиий күпайишга күмаклашиш топшириғи	га						

Т/р	Күрсаткычлар	Үлчов бирлиги	01.01.20 ____ иил			01.01.20 ____ иил		
			Жами	Үрмон хұжалиги давлат күмітаси тизимида	Үрмондан бошқа фойдаланувчилар	Жами	Үрмон хұжалиги давлат күмітаси тизимида	Үрмондан бошқа фойдаланувчилар
3.4.	амалда	га						
3.5.	Үрмон билан қолланған майдонға үтказилди	га						
3.6.	шундан, маданий әкілгап майдондан	га						
3.7.	табиий күпайған майдондан	га						
3.8.	Нобуд бўлган майдон	га						
3.9.	шундан, үрмон ёнғинлари натижасида нобуд бўлган	га						
3.10.	Курғоқчилик натижасида нобуд бўлган майдон	га						
3.11.	Чорва моллари томонидан нобуд қилинған майдон	га						
4.	<b>Үрмонларга салбий таъсирни баҳолаш</b>							
4.1	Үрмон ёнғини таъсир килған майдон	га						
4.2	Үрмон ёнғинлари сони	та						
4.3	Антрапоген ифлосланиш натижасида заараланған майдон	га						
4.4	шундан, саноат чиқиндилари натижасида заараланған майдон	га						
4.5	Үрмон зааркунандалари ўчоғи майдони	га						
4.6	шундан, (үрмон зааркунандалари турлари бўйича)	га						
4.7	Үрмон касаллуклари натижасида заараланған майдон	га						
4.8	шундан, (үрмон касаллуклари турлари бўйича)	га						
5	<b>Үрмон билан қолланған майдондаги ўзгаришлар</b>							

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	01.01.20 йил			01.01.20 йил		
			Жами	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида	Ўрмондан бошқа фойдаланувчилар	Жами	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида	Ўрмондан бошқа фойдаланувчилар
5.1.	Ўрмон билан қопланган майдоннинг камайиши	га						
5.1.1.	шундан, кесилганлиги сабабли	га						
5.1.2.	нобуд бўлганлиги сабабли	га						
5.1.3.	шундан, ўрмон ёнгини таъсирида	га						
5.1.4.	антропоген ифлосланиш сабабли	га						
5.1.5.	саноат чиқиндилари заралаганлиги сабабли	га						
5.1.6.	ўрмон зааркунандалари сабабли	га						
5.1.7.	ўрмон касалликлари сабабли	га						
5.2.	Ўрмон билан қопланган майдоннинг кўпайиши	га						
5.2.1	шундан, ёш ўрмонлар ҳисобидан	га						
5.2.2.	ўрмон фондига захирадан қабул килиш ҳисобидан	га						
5.2.3.	бошқа ўрмон хўжалигидан олиниши ҳисобидан	га						
6.	Ўрмонларни муҳофаза қилиш тадбирлари ва ўрмон ёнгинларидан саклаш							
6.1.	Ўрмон зааркунандалари ва касалликларига қарши кураш тадбирлари	га						
6.2.	шундан, биологик кураш	га						
6.3.	кимёвий кураш	га						
6.4.	Ўрмон ёнгинларидан фаол ҳимоя қилиш	га						

